

## ЭКСПРЕССИВ НУТҚИЙ АКТЛАР ВА БАҲО МУНОСАБАТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8077093>

**Пардаев Зафар Низомович**

доцент, филология фанлари номзоди,  
Ўзбекистон-Финландия педагогика институти,

E-mail: pzafar441@gmail.com

(Самарқанд, Ўзбекистон)

**Холиқулова Шохиста**

30-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Самарқанд, Ўзбекистон

E-mail: shohistaxoliqulova71@gmail.com

### **Аннотация.**

Мазкур мақолада нутқий актлар назарияси таҳлилига оид турли ёндашувлар ва моделлари муҳокама қилинади. Нутқий актларни ўрганиш алоҳида фанлараро муаммо сифатида ажралиб туради ва у тилишунослик, социология, психология, этнография, маданиятшунослик, ижтимоий антропология, прагматик тилишунослик, социалингвистика, психоллингвистика, амалий тилишунослик каби бир қатор гуманитар фанлар мутахассисларининг тадқиқотларида асосий мавзулардан бири. Мулоқот жараёнида экспрессив нутқий ифодаларнинг намоён бўлиши, сўзловчининг адресат билан эмоционал муносабати каби масалаларни ўрганиш муҳим ва асосий масалалардан ҳисобланади. Бу нутқий актлар турли шароитларда, муайян қонун-қоидаларга бўйсинувчи нутқий ва ҳар хил вазиятларда турли мақсадлар билан қўлланилади. Мақолада экспрессив нутқий актларнинг илмий-назарий масалалари ва ўзбек тилида мақтов, табрик, ҳақорат ифодаловчи нутқий актларни шакллантиришда иштирок этадиган лисоний воситаларнинг семантик, прагматик хусусиятлари ўрганилган.

### **Калит сўзлар.**

лингвопрагматика, локутив нутқий акт, иллокутив нутқий акт, перлокутив акт, коммуникатив акт, нутқ вазияти, баҳо, перцептор, предикат, оператор, экспериенцер, пропозиция.

## ЭКСПРЕССИВНЫЕ РЕЧЕВЫЕ АКТЫ И ОЦЕНОЧНОЕ ОТНОШЕНИЕ

В данной статье рассматриваются различные подходы и модели анализа теории речевого акта. Изучение речевых актов выделяется как особая

междисциплинарная проблема и является одной из основных тем в исследованиях специалистов ряда гуманитарных наук, таких как лингвистика, социология, психология, этнография, культурология, социальная антропология, прагматическая лингвистика, социолингвистика, психолингвистика, прикладная лингвистика. Изучение таких вопросов, как проявление экспрессивных речевых выражений, эмоциональное отношение говорящего к адресату в процессе общения, считается одним из важных и основных вопросов. Эти речевые акты употребляются в разных ситуациях, при соблюдении определенных правил речи и в разных ситуациях с разными целями. В статье рассматриваются научно-теоретические вопросы экспрессивных речевых актов и семантико-прагматические особенности языковых средств, участвующих в формировании речевых актов выражения похвалы, поздравления, оскорбления в узбекском языке.

### **Ключевые слова**

линвопрагматика, локутивный речевой акт, иллокутивный речевой акт, перлокутивный акт, коммуникативный акт, речевая ситуация, оценка, перцептор, предикат, оператор, экспериенцер, пропозиция.

## **RELATIONSHIP BETWEEN EXPRESSIVE SPEECH ACTS AND EVALUATION**

*The analysis of speech acts using various methodologies and models is covered in this article. One of the main areas of study for experts in a variety of humanities fields, including linguistics, sociology, psychology, ethnography, cultural studies, social anthropology, pragmatic linguistics, sociolinguistics, psycholinguistics, and applied linguistics, is the study of speech acts. This is because it stands out as a unique interdisciplinary problem. Studying topics like the use of expressive speech expressions and the speaker's emotional connection to the addressee during communication is regarded as one of the key and fundamental challenges. These speech acts are employed in a variety of contexts, subject to specific linguistic norms, and for a variety of objectives. The essay explores the scientific-theoretical concerns surrounding expressive speech acts as well as the pragmatic and semantic properties of the linguistic resources used to create speech acts in the Uzbek language that communicate praise, congrats, and insults.*

### **Key words**

*linguopragmatics, locative speech act, illocutionary speech act, perlocutionary act, communicative act, speech situation, evaluation, perceiver, predicate, operator, experiencer, proposition.*

Тилшуносликда жамият тараққиётига боғлиқ ҳолда инсон нутқий фаолиятини турли нуқтаи назардан тадқиқ этувчи бир қатор янги соҳалар

юзга келмоқда ва ривожланмоқда. Инсонлар ўртасидаги кундалик мулоқот жараёни синчиклаб кузатилса, тилшуносликда ҳали ўрганилиши лозим бўлган жуда кўплаб муаммолар мавжудлиги кўзга яққол ташланади. Жумладан, нутқ субъектининг шахс сифатидаги бир олам ички ҳис-туйғулар муаллифи эканлиги, алоқа-аралашув жараёнида ана шу ҳис-туйғулар сўзловчининг хусусий муносабати сифатида намоён бўлиши, буларни сўзловчи нутқига хос буйруқ, илтимос, ваъда, огоҳлантириш, миннатдорлик каби перформатив ва перформатив бўлмаган ифода шаклида баён қилиниши тилшуносликда яна бир янги йўналиш мавжудлигини кўрсатади. Бу нутқий актлар йўналишидир. Мулоқот жараёнида нутқнинг фаолият сифатидаги асосий вазифаси фикрни ифодалаш ҳисобланади. Инсон чуқур уйқуни ҳисобга олмаганда доимо фикрлайди. Мана шундай ҳолларда фикр нафақат шаклланади, балки тўлиқ ва тугалланган ҳолда вужудга келади. Нутқ тафаккурдан ажралмасдир. Л.С.Виготцкий фикрига кўра «нутқ тафаккурнинг сўзга айланиш, материаллашиш жараёнидир» [1].

«Нутқий акт – маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилишидир. Нутқий акт мазмунининг шаклланиши талаффуз қилинаётган гап маъносининг сўзловчи ва тингловчи томонидан мулоқот матнига нисбатан «бойитилиши», идрок этилиши натижасидир» [2]. Нутқий акт муаммоларига оид маълумотлар В.Гумболдт, Ш.Балли, Л.П.Якубинский, М.М.Бахтин каби олимларнинг лингвистик қарашларида учрайди. Нутқий акт назариясининг дастлабки масалалари Дж.Остин, Дж.Р.Сёрл ва бошқа олимлар ишларида кўриб чиқилган. Бу назарияга кўра, ҳар қандай ифодада сўзловчи маълум бир ҳаракатни содир этади. Дж.Остин нутқий актларни коммуникатив мақсадларига кўра вердикатив, экзерситивлар, беҳабитивлар, комиссив, экспозитив атамалари билан номлаб, ҳар қайсисини алоҳида изоҳлайди [3]. Шунини алоҳида айтиш керакки, Дж.Остин қарашларининг энг муҳим жиҳатларидан бири ифода семантик структурасидан «хусусий маъно муносабати» тушунчасининг ажратилишидир.

Нутқий акт тушунчасининг асосий моҳияти Дж.Сёрл номи билан узвий боғлиқ. У нутқий актнинг иллокутив кўриниши хусусида фикр юритиб нутқий акт муаммолари каторида баъзи атамалар англлатган тушунчалар мазмунига тўхталади. Жумладан: қоида, ҳукм (пропозиция) ва маъно (хусусий маъно) атамаларининг моҳиятига изоҳ беради. Тилшуносларнинг нутқий акт тушунчасига берилган таърифларни умумлаштириб, нутқий акт – бу исталган маълум мақсадга эришиш учун тингловчига қаратилган

маълум мақсад билан талаффуз қилинувчи ифодадир, деган хулосага келиш мумкин.

Нуткий акт ўзига хос тузилиш босқичлари ва мезонларига эга. Нуткий акт уч босқичдан иборат: локутив, иллокутив ва перлокутив.

Локутив нуткий акт – талаффуз акти, тил бирликларининг грамматик коидалар бўйича тузилиши, фикрнинг обектив мазмуни. Бундай нуткий актлар суҳбатдош томонидан реакция талаб қилмайди.

Иллокутив нуткий акт – локутив актнинг маълум мўлжал билан йўналтирилиши, коммуникатив мақсад ифодаланиши.

Перлокутив акт – нуткнинг тингловчи фикри ва ҳис-туйғуларига ҳамда хулқига таъсири.

Пропозиция(хукм)нинг бир нуткий вазиятдаги турлича талаффузи хилма-хил мазмундаги иллокутив актларни юзага келтиради.

Ўзбек тилшунослигида матн билан боғлиқ масалаларни прагматик аспектда тадқиқ этган тилшунослардан бири М.Ҳакимов ҳисобланади. У нуткий акт кўринишларини репрезентатив ёки хабар акти (асосан тасдиқ акти содир этилади), ундаш актлари (бўйруқ, таклиф, илтимос, сўроқ, маслаҳат), мажбурият ёки комиссив актлар (ваъда, қасамёд, тасдиқ, хабар), экспрессив актлар (миннатдорчилик, табрик, кечирим сўрамоқ, ҳис қилмоқ, афсусланмоқ, саломлашмоқ), декларатив акт (декларатив актни содир этиш ҳуқуқи фақат маълум ижтимоий мавқеи фаолияти билан шуғулланаётган шахсга берилади) каби турларга ажратиб тасниф қилади[4].

Коммуникатив мақсад тушунчаси коммуникатив акт билан чамбарчас боғлиқ. Чунки сўзловчининг мақсади бевосита нуткий ифодаларда – нуткий актларда ўз ифодасини топади. Бу коммуникатив мақсаднинг иллокуция (фикр-мулоҳазаларнинг мақсадли йўналтирилганлиги) билан боғлиқлигини кўрсатади. Шунга кўра, Дж.Сёрл «иллокутив куч» тушунчасини нуткий актлар назариясининг бош ютуғи,[5] деб ҳисоблайди. Муаллиф бу атама доирасида танбех, таҳдид, ҳақорат, кўрқитиш, тасдиқлаш, ваъда бериш, истак, табрик каби муносабат маъноларини – баҳолаш мақомини тушунган. Иллокутив куч ўзида иллокутив мақсад, самимийлик шарти, интенсивлик шартини мужассамлаштиради ва шу асосда нуткий вазиятда сўзловчининг мақсадлари кўп жиҳатдан унинг интенционал ҳолати, истаклари, ижобий муносабати, адовати, жирканиши, умид узиши каби компонентлар билан белгиланади. Демак, нуткий актлар назарияси турли типдаги мулоҳазалар идентификацияси, унинг структурал ва функционал таҳлили билан шуғулланади. Тилшунослиқда экспрессив нуткий ифодаларнинг намоён

бўлиши, сўзловчининг адресат билан эмоционал муносабати каби масалаларни ўрганиш муҳим ва асосий масалалардан ҳисобланади. Шундай нутқий объектлардан бири экспрессив нутқий актлар - нутқий фаолиятида маълум шахснинг ички ҳолатини, яъни ўз «мулоҳазалари», «ҳиссиётлари», «туйғулари»ни кенг маънода сўзлар, сўз бирикмалари, матнлар орқали ифодаланишига кўра фарқланиб турувчи нутқий ҳаракатлар гуруҳидир.

Экспрессив нутқий актларда сўзловчининг адресатга самимий муносабатда ўз фикрларини билдириши (адресатга тегишли ёки адресатга алоқадор) коммуникатив ифоданинг умумий моҳияти ҳисобланади. Н.А.Трофимова 2009 йилда нашр этилган «Экспрессив нутқий актлар» номли монографиясида экспрессив нутқий актларни икки турга ажратади: социативлар ва инфлуктивлар[6]. У социативларга сўзловчининг тингловчини саломлашиш, сўрашиш, узр сўраш, табрик, ҳамдардлик билдириш, афсусланиш, миннатдорчилик билдириш каби маълум стандарт вазиятларда ижтимоий гуруҳ вакили сифатида тан олишини ифодаловчи нутқий актларни киритади. Инфлуктивлар эса эмотив баҳолаш муносабати ва эмоционал таъсирни ифодаловчи нутқий актлар бўлиб, бунда сўзловчи ўзининг мактов, танбех, хушомад, ҳақорат каби ижтимоий ва инсонлараро муносабатларда етакчилик қилишга интилиши акс этади. Бу нутқий актлар турли шароитларда, муайян қонун-қоидаларга бўйсинувчи нутқий ва ҳар хил вазиятларда турли мақсадлар билан қўлланилади. Албатта, бир мақола доирасида ўз таркибига экспрессивларни камраб олган ҳамма нутқий актларни бирдай кўриб чиқиш имконияти йўқ. Шунинг учун бирмунча қизиқарли ва ёрқин бўлган нутқий актлар: кечирим сўраш, истак, табрик кабилар социативлар намуналари сифатида, хушомад, мактов, танбех, ҳақорат кабилар инфлуктив нутқий актлар сифатида кўриб чиқилди.

Инсон ўз ҳаёти, фаолияти жараёнида ўзини ўраб турган объектив борлиқ билан тинимсиз муносабатда бўлади. У предметлар, ходисалар, турли вазиятларни, бошқа субъектлар хатти-ҳаракатларини, шунингдек, ўз имкониятлари, ҳаракатлари натижаларини баҳолаб боради. Мазкур ҳолат баҳо субъектнинг субъектга бўлган модал - волюнтатив, бошқа предмет ва ходисаларга бўлган субъектив, эмотив муносабатининг ифодаланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. «Маълумки, нутқ коммуникатив вазифа билан бир қаторда эмотив вазифани ҳам бажаради, яъни у инсон ҳис-туйғуларининг ифодаси бўлиш билан бирга, сўзловчи психикаси ва онгига таъсир ўтказувчи восита ҳамдир»[7].



Экспрессив нутқий актлар тизимининг асосий сегментларидан бири табрик ҳисобланади. У мулоқот жараёнида маълум даражада эмоционал нутқий боғлиқликни таъминлайди. Табрик нутқий акти ҳам шундай экспрессив ифодалар қаторига киради. Табрик – бахт, омад, эзгулик тилаш, кутлаш каби мазмундаги ифода. Бирор яхши (қутлуғ) кун, сана ёки эришилган ютуқ, яхшилиқ муносабати билан билдириладиган кутлов сўзлар[8] табрик актини юзага келтириш учун асос бўладиган ҳолатлардир. Табрикнинг асосий коммуникатив вазифаси – бу ҳурматни ифодалаш, хушмуомалалик, одоб акти. Қимнидир табриклаш – демак, унга эътибор қаратиш, ўзининг эмоционал ҳолатини, симпатиясини, муносабат нуқтаи назаридан суҳбатдошга боғланганлигини ифодалаш, унда яхши кайфият ҳосил қилиш, ўз ҳурмат-эҳтиромига шоҳидлик бериш, ўзи ҳақида эслатиш, хуллас, адресатда эмоционал туйғулар уйғотиш ҳисобланади. Шундай қилиб, мазкур нутқий актнинг асосий вазифавий юки Дж.Сёрль терминологияси бўйича экспрессив вазифадир.

Табрик нутқий актнинг умумий тавсифи куйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади. Табрик нутқий акти ўз мазмун-моҳиятига кўра бир қатор ижтимоий экспрессивларни қамраб олади: у сўзловчининг адресатга (нутқ қаратилган шахсга) ижобий муносабатини ва табрик нутқи амалга ошиши жараёнида юз берадиган ҳис-туйғуларни ўзида акс эттиради. Табиийки, табрик йўлловчи ва адресат, коммуникатив вазиятнинг мавжуд бўлиши табрик актнинг амалга ошиши учун шарт бўлган элементлар ҳисобланади. Агар улардан бирортаси мавжуд бўлмас экан, мазкур нутқий акт юзага чиқмайди. Мазкур нутқий ҳаракат мақсади алоқани керакли мезонда ушлаб туришни таъминлаш, адресат билан ўзи ўртасидаги дўстона муносабатларни сақлаб қолиш ва бунда ўзига тегишли бўлган ҳиссиётларни, эмоционал ҳолатларни ифодалашдан иборат. Шу маънода, таъкидлаш мумкинки, табрик мулоқотчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солиб турувчи ҳаракатдир, у бундан ташқари бошқа социативларни ҳам – мулоқот жараёнида махсус хушмуомалалик, яхши истаклар билдириш муҳитини юзага келтириш вазифасини ҳам бажаради.

Мақтов ифодаси ҳам мулоқот жараёнида сўзловчининг нутқи ёки матн мазмунидан келиб чиқадиган экспрессив актлардан бири ҳисобланади. Мақтов – мақтаб айтилган ёки ёзилган сўз, гап[9] бўлиб, бирор киши, нарса, ҳодиса, воқеа тўғрисида яхши фикр, маъқуллашнинг нутқий ифодасидир. Сўзловчининг мақтовдан кўзлаган мақсади нутқ объекти ҳақидаги ижобий баҳосини ва у билан бирга келадиган ёки нутқ вазиятида юзага келган руҳий

ҳолатларни ифодалашдан иборатдир. Мақтовда сўзловчининг баҳолаш нуқтаи назаридан маъкул, идеал деб топилган жиҳатлар, нутқ қаратилган объектга хос ижобий сифатларни таърифлаш кўзда тутилади. Бунда баҳо шахсининг ташқи кўриниши, фаолияти, маънавий-ахлоқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин: Тавба! – дея кўнглидан кечирди у. –Набало мунча чиройли-а... Ана, яна қаради...Нега мунча кулади-я...Унга гапиришимни истайди. Жуда чиройли-е!.. (Неъмат Аминов); - Зўр бўлгандаям, ўлай-бўлай зўр эмас. Лаббайгўй эмас. Саркаш шоир. Янги оқим шоири. Француз авангардизми... дейдими... Ана шундай авангард шоир! (Тоғай Мурод); Гўё ҳамма менга кулиб боқар, гўё ёлғиз мен эмас, ҳамма бахтиёр, гўё одамларнинг ҳаммаси бирдан бир-бирига меҳрибон, жуда мулойим, жуда яхши, жуда ғамхўр бўлиб қолган эдилар.( Одил Ёқубов).

Мақтов ифодасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унда мулоқотчиларнинг ўзаро муносабатига боғлиқ ҳолда сўзловчининг коммуникатив нияти эксплицит (очиқ) тарзда ифодаланади. Мақтов ифодасидаги пропозиция ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи ундовлар, ижобий истак билдирувчи сўзлар воситасида кучайтирилади. Эмоционал-экспрессивликка эга нутқий ифодаларда, хусусан, мақтовда баҳолаш сўзловчи ёки ёзувчининг объектив борлиқ, нутқ объекти билан ўзаро таъсири жараёнида қадриятни юзага чиқаришнинг ўзига хос услуби ҳисобланади.

Экспрессив акт турларидан бири бўлган танбеҳ нутқий акти сўзловчи ёки адресатнинг нутқ вазиятидаги ҳолати, ҳис-туйғуларини ифодалаш имкониятига бойлиги билан ажралиб туради. Танбеҳ адресатга нисбатан маъкул топмаслик, айблаш, койиш, огоҳлантириш, ҳақорат, уришиб қўймоқ ва камчилик, хато қабиларни қайд этувчи гап-сўз, фикр мулоҳазалар каби салбий баҳо маъноларини ифодалайди[10].Танбеҳ актининг вокеланишида сўзловчи ва тингловчининг руҳий ҳолати, оилавий яқинлиги, ёши каби бир қатор жиҳатлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Танбеҳ нутқий актида тергаб койймоқ, айбламоқ прагматик мўлжаллари ҳамда субъектив баҳо муносабати акс этади.

Ҳақорат – танқид, кўролмаслик, кўполлик, таҳдид каби турли маъноларни ўзида мужассамлаштирувчи, тингловчини обрўсизлантириш, сўқишга қаратилган нутқий акт. Ҳақорат нутқий акти асосан диалогик нутқ учун хос бўлиб, унинг асосида сўзловчининг адресат фаолиятидан қониқмаслик маъноси ётади. Бошқача айтганда, ҳақорат маъқулламамаслик баҳосининг кўпол шаклда ифодаланишидир. Унда кўзга ташланиб турадиган ва шу актни юзага келтирувчи ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- ҳақорат аниқ бир адресат ёки адресатларга томон йўналтирилади;
- кўпчилик ҳолларда сўзловчи мавқеи адресатдан устун бўлади;
- нутқий актда сўзловчининг ҳақорат маъносини ифодаловчи

лингвостилистик воситалардан фойдаланиши бир томондан, унинг кучли эмоционал ҳолати, иккинчи томондан эса одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилмаслиги, андишасизлиги билан характерланади.

Тилимиздаги номард, ҳезалак, ифлос, ит, аҳмоқ, аблаҳ, пасткаш, текинхўр каби бир қатор лексемалар ўз функционал-семантик хусусиятига кўра ҳақорат нутқий ифодасида фаол қўлланувчи салбий баҳо ифодаловчи лексемалар ҳисобланади. Уларнинг бир дискурда бирин-кетин келиши ҳақорат маъносининг борган сари кучайиб боришини таъминлайди: Икромжон унга қараб қаҳр-ғазаб билан қичқирарди: - Хоин! Қочоқ! Номард! Ҳезалак! Ифлос! Ит! Тур ўрнингдан! (С.Аҳмад).

Кўринадикки, экспрессив нутқий актлар мазмуни, қўлланиши ва тил бирликларини қамраб олиш доирасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Сўзловчининг коммуникатив мақсади, нутқий актларнинг юзага чиқишида қўлланиладиган турли тактика ва стратегиялар, қутилаётган прагматик самара экспрессив нутқий актлар функционал-прагматик табиатини белгилаб беради. Бу эса ўз навбатида сўзловчи шахс учун тил бирликларини қўллашда, воқелик фактларини экспрессивлик нуқтаи назаридан баҳолашда кенг имкониятлар яратади.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Выготский Л.С. Мышление и речь: Психологические исследования. -М.: Лабиринт, 1996. -С.415.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. -Тошкент: ЎМЭ..2008. -Б.72-73.
3. Остин Дж. Л. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. – Вып. 17: Теория речевых актов. -М., 1986. – С.119.
4. Сёрль Дж., Вандервекен Д. Основные понятия исчисления речевых актов // НЗЈЛ Вып 18. - М: Прогресс, 1986. - С. 172.
5. Трофимова Н. А. Экспрессивные речевые акты в диалогическом дискурсе. Семантический, прагматический, грамматический анализ: Монография. -Санкт-Петербург, 2008. – 376 с.
6. Худойберганова Д. Матн яратилишининг антропоцентрик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011, 6-сон, 92-95-бетлар.



7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. -Тошкент:ЎМЭ, 2007.-  
Б.629.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. -Тошкент:ЎМЭ, 2006.-  
Б.570.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Беш жилдли. 3- жилд. -Тошкент:  
ЎМЭ, 2006. -Б.660.